

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.Fil.46.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**ГУЛИБАНУМУ КЕБАЙТУЛИ**

**ЎЗБЕК ТИЛИДА ИСТАК ГАПЛАРНИНГ СЕМАНТИК-СИНТАКТИК  
СТРУКТУРАСИ ВА ПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Гулибануму Кебайтули**

Ўзбек тилида истак гапларнинг семантик-синтактик структураси  
ва прагматик хусусиятлари.....3

**Гулибануму Кебайтули**

Семантико-синтаксическая структура и прагматические  
особенности пожелательных предложений в узбекском языке.....27

**Gulibanumu Kebaituli**

Semantic-syntactic structure and pragmatic features of wish in Uzbek.....53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 57

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.Fil.46.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**ГУЛИБАНУМУ КЕБАЙТУЛИ**

**ЎЗБЕК ТИЛИДА ИСТАК ГАПЛАРНИНГ СЕМАНТИК-СИНТАКТИК  
СТРУКТУРАСИ ВА ПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2021.4.PhD/Fil2039 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tai.uz](http://www.tai.uz)) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Усманова Шоира Рустамовна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Лутфуллаева Дурдона Эсоновна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Умурзоқова Марҳабо Эгамбердиевна**  
филология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация химояси ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.Fil.46.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй. Тел.: (871)233-36-50, факс: (871) 233-71-44; e-mail: [uztafi@academy.uz](mailto:uztafi@academy.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 700170, Тошкент шаҳри Зиёлилар кўчаси, 13-уй. Тел.: (871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги рақамли реестр баённомаси).

**Н.М.Маҳмудов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

**Ғ.М.Исмаилов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.н. катта илмий ходим

**Д.С.Худойберганова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида ўтган асрда тил бирликлари систем-структур аспектда чуқур ўрганилиши натижасида тил бирликларининг системадаги ўрни, ўзаро алоқа-муносабатлари масаласига аниқлик киритилди, ҳар бир тил бирлигининг структур, семантик хусусиятлари очиқ берилди. Ўтган асрнинг сўнгги чорагидан бошлаб дунё тилшунослигида тил тизимини антропоцентрик аспектда ўрганишга қизиқиш кучайди. Тил ҳодисаларини антропоцентрик аспектда таҳлил қилиш систем-структур тилшуносликда қўлга киритилган илмий натижаларни мазмунан бойитишга хизмат қилди. Айниқса, тил бирликларини контекст, нутқ вазияти билан боғлиқ ҳолда текшириш уларнинг нутқда кузатиладиган хусусиятларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этди.

Дунё тилшунослигида тил бирликларини бир вақтда систем-структур ҳамда антропоцентрик аспектларда тадқиқ этишга қаратилган ишлар ҳам мавжуд. Тил бирликларининг моҳиятини турли аспектларда ўрганиш, хусусан, нутқ вазияти, контекст билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш тилнинг нутқдаги имкониятларини чуқур очиқ беришга ёрдам беради.

Мамлакатда сўнгги йилларда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақомини мустаҳкамлаш, унинг мавқеини кўтариш йўлида олиб борилаётган ишлар, бу масалалар бўйича қабул қилинган қатор қонун ва қарорлар миллий тилни илмий асосда чуқур ўрганишни янги босқичга кўтаришга хизмат қилди. «Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт»<sup>1</sup> этиб белгилангач, бугунги кунда ўзбек тилшунослигида амалга оширилиши лозим бўлган қатор вазифалар ҳамда илмий тадқиқ этилиши лозим бўлган муаммолар белгилаб берилди. Мана шундай муаммолардан бири ўзбек тилидаги истак гапларнинг семантик-синтактик структураси ва прагматик хусусиятларини монографик аспектда тадқиқ этиш масаласидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу илмий-тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий-маърифий ривожлантиришда

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, – Тошкент, 2017. 258- сон.

инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тилшунослик фани тараққиётининг илк даврларидан бошлаб гапларнинг семантик-синтактик структураси, таснифи масаласини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган. Дунё тилшунослигида гапнинг ифода мақсадига кўра турлари, хусусан, истак мазмунини ифодаловчи гапларнинг тузилиши, гапда истак маъносининг ифодаланиши, истак концептининг нутқда реаллашуви, истак категориясининг ифодаланиши, тилак-истак билдирувчи гапларнинг прагматик хусусиятлари каби масалалар тадқиқига қаратилган ишлар мавжуд. Ғарб тилшунослигида бу муаммо рус, инглиз, немис тиллари мисолида алоҳида ўрганилган<sup>2</sup>.

Туркийшуносликда, хусусан, ўзбек тилшунослигида ҳам гапнинг ифода мақсадига кўра турларини махсус ўрганишга қаратилган тадқиқотлар мавжуд. Хусусан, А.Аҳмедов, Х.Исматуллаев ўзбек тилидаги дарак, сўроқ ва буйруқ гапларни монографик аспектда тадқиқ этишган<sup>3</sup>. Ўзбек тилшунослигида истак гаплар илк бор А.Фитрат томонидан «тилак гапи» сифатида ажратилган<sup>4</sup>. Кейинчалик А.Нурмонов истак гапларни дарак, сўроқ, буйруқ гаплар қаторида гапнинг коммуникатив мақсадга кўра тури эканлигини асослаб, бу гап турининг семантик-синтактик структурасига тавсиф берган<sup>5</sup>. Д.Лутфуллаева истак гапларда тасдиқ ва инкорнинг ифодаланиши масаласини ёритган<sup>6</sup>. Шунингдек, истак гаплар гарчи алоҳида гап тури сифатида ўрганилмаган бўлса-да, гапда истакнинг ифодаланиши масаласи М.Агламова томонидан ҳам ёритилган<sup>7</sup>. М.Бозорова ўзбек тилидаги дуолар ва нутқий этикетлар мисолида ижобий истакни билдирувчи гапларнинг лисоний хусусиятларини тадқиқ қилган<sup>8</sup>.

<sup>2</sup> Распопова Т.И. Оптативные предложения (на материале русского и английского языков): Дисс. ... канд. филол. наук. – Л., 1982. – 145 с.; Буралова Р.А. Оптативные и побудительные высказывания с независимым инфинитивом в современном русском языке: Дисс. ... канд. филол. наук. – Л., 1988. – 216 с.; Горя А.Н. Выражение ирреальности в английском предложении: Дисс. ... канд. филол. наук. – Киев, 1988. – 164 с.; Новикова О. Н. Семантико-синтаксическая структура конструкций с глаголами желания в современном английском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Минск, 1989. – 24 с.; Алтабаева Е.В. Категория оптативности в современном русском языке: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – М., 2003. – С. 20-21; Мастерских С.В. Концепт «желание» в сопоставительном плане (на материале глагольных лексем русского, английского и немецкого языков): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тюмень, 2004. – 20 с.; Гусаренко М.К. Дискурсивные разновидности, перлокутивная прагматика и пропозициональные характеристики речевого акта пожелания в современном русском языке: Дисс. ... канд. филол. наук. – Ставрополь, 2005; Макеева Е.Ю. Функционально-семантическое поле как средство репрезентации концепта «желание» в английском языке (в синхронии и диахронии): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Самара, 2006. – 23 с.; Щербакоева М.И. Категория оптативности в русском языке (опыт сопоставительного анализа): Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2015. – 219 с.; Цзян Яо. Функционально-семантические типы оптативных предложений в русском и китайском языках: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Душанбе, 2020. – 27 с.; ва бошқалар.

<sup>3</sup> Исматуллаев Х. Виды предложений по цели высказывания в современном узбекском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1965. – 21 с.; Аҳмедов А. Ўзбек тилида гапнинг коммуникатив турлари. – Тошкент: Фан, 1979.

<sup>4</sup> Фитрат А. Танланган асарлар. IV жилд. (Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба. Иккинчи китоб: Наҳв.) – Тошкент: Маънавият, 2006. – Б. 204.

<sup>5</sup> Нурмонов А. Ифода мақсади категорияси / Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б. 46-47.

<sup>6</sup> Лутфуллаева Д. Тасдиқ гапларда инкор ва шаклий-мазмуний номувофиқлик: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1997. – 21 б.

<sup>7</sup> Агламова М. Способы выражения повелительности и жела-тель-ности в тюркских языках: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1966. – 21 с.

<sup>8</sup> Базарова М. Ўзбек тилидаги ижобий истак мазмунини ифодаловчи нутқий бирликларнинг лисоний хусусиятлари (дуолар ва нутқий этикетлар асосида). Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 21 б.

Д.Кўлбоева ўз мақолаларида истак гапларнинг семантик-синтактик моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилган<sup>9</sup>.

Ўзбек тилшунослигида истак гапларнинг прагматик хусусиятлари, ўқитилиши масаласига оид айрим мақолалар ҳам эълон қилинган<sup>10</sup>. Кўринадики, бугунги кунда истак гапларнинг хусусиятлари, нутқда истакнинг ифодаланиши масаласи бўйича айрим назарий хулосалар берилган бўлса-да, ўзбек тилшунослигида истак гапларнинг семантик-синтактик тузилиши ҳамда прагматик хусусиятлари махсус тадқиқ этилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Шарқ мамлакатлари тилларини ўрганиш ва тилшуносликнинг назарий масалалари» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзбек тилидаги истак гапларнинг моҳиятини очиб бериш, семантик-синтактик структураси ҳамда прагматик хусусиятларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

истак феноменининг турли фан соҳаларида ўрганилиши масаласини ёритиш ва унга тавсиф бериш;

истак гапларни антропоцентрик аспектда тадқиқ этишнинг илмий аҳамиятини очиб бериш, истак гаплар ҳақидаги назарий қарашларни таҳлил қилиш;

истак гапларнинг семантик-синтактик тузилишини ёритиш, сўзловчи истак-хоҳишининг воқеликка муносабатини белгилаш ҳамда реал ва ирреал истак гапларга тавсиф бериш;

истак гапларда шакл ва мазмун муносабати масаласини тадқиқ этиш;

истак гапларнинг прагматик хусусиятларини ёритиш, хусусан, бундай гапларда прагматик мақсаднинг ифодаланишини ўрганиш;

истак гапларда баҳо муносабатининг ифодаланишини очиб бериш;

ўзбек тилида истакнинг яширин ифодаланиши усулларни аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ўзбек тилидаги истак гаплар танлаб олинган. Истак гаплар таҳлилида сўзлашув, бадий ва публицистик нутққа хос мисолларга мурожаат қилинган.

**Тадқиқотнинг предметини** ўзбек тилидаги истак гапларнинг семантик-синтактик структураси ҳамда прагматик хусусиятлари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тавсифлаш, таснифлаш, зидлаш усуллари, семантик таҳлил тамойиллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

<sup>9</sup> Кўлбоева Д. Истак гаплар хусусида // Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ. 2009. – Б.95-96; Кўлбоева Д. Ўзбек тилида истак гапларнинг ифодаланиши хусусида // Ўзбек тилшунослиги: тараккиёт тамойиллари, илмий муаммолар, истиқболдаги вазифалар. – Тошкент: ЎЗМУ, 2013. – Б. 132-133.

<sup>10</sup> Лутфуллаева Д., Жумаев Ф. Истак гапларнинг ўқитилишига доир айрим мулоҳазалар // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2000. – №2. – Б. 84-86; Дадажонов О. Истак гапларнинг прагматик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2017. – №6. – Б. 106-109.

истак феноменининг фанлараро мазмун-моҳияти асосида тилшуносликда истак категориясининг муайян тил воситалари орқали эксплицит ва имплицит тарзда ифодаланиши очиб берилган;

ўзбек тилидаги истак гапларнинг семантик-синтактик тузилиши, қурилиш модели белгиланган ҳамда истак ифодаловчи лексик, грамматик воситалари аниқланиб, уларнинг гап қурилишида махсус синтактик структура орқали воқеланиши аниқланган;

ўзбек тилидаги реал ва ирреал истак гапларнинг семантик-синтактик тузилиши, субъект нутқида реаллашган ифоданинг воқеликка мос келиши ёки мос келмаслиги каби фарқли хусусиятлари аниқланиб, ўзбек тилидаги истак гапларда субъектнинг воқеликка нисбатан салбий ёки ижобий баҳонинг турли коннотатив грамматик шакллар орқали реаллашуви далилланган;

истак гапларда тасдиқ-инкор, содда-мураккаблик белгилари асосида пресуппозицион воситалар ҳисобига шакл ва мазмун номутаносиблигининг юзага келиши очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тадқиқотда чиқарилган илмий-назарий хулосалар олий ўқув юртлари магистратура босқичининг Лингвистика йўналишида «Прагмалингвистика», «Лингвистика назарияси ва амалий тилшунослик» курслари, бакалавр босқичи филология факультетларида «Ҳозирги ўзбек адабий тили» фанлари бўйича дарслик, ўқув қўлланмаларини яратишга хизмат қилиши далилланган;

гапнинг коммуникатив мақсадга кўра турларини белгилашда истак гапларнинг аҳамияти амалий жиҳатдан асосланган;

нутқда истак орқали субъектив муносабатнинг ифодаланиши масаласи амалий жиҳатдан мисоллар таҳлили орқали далилланган;

истак гапларнинг инсон коммуникатив мақсадини ошқора ва яширин ифода этишдаги имкониятлари очиб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** истак гапларнинг семантик-синтактик структураси ва прагматикаси масаласи бўйича муаммонинг аниқ қўйилганлиги, тўпланган материаллар таҳлили орқали асосли илмий хулосалар чиқарилганлиги, ўзбек тилидаги истак гапларнинг ҳам семантик-структур аспектда, ҳам антропоцентрик аспектда ўрганилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти истак гапларнинг семантик-синтактик ва прагматик хусусиятларига доир мавжуд назарий қарашларни янги илмий-назарий маълумотлар билан бойитишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўзбек тили назарий грамматикасини яратиш, хорижликлар учун «Ўзбек тили» фанидан қўлланмалар тайёрлаш, олий ўқув юртлари бакалаврият босқичи филология факультети талабаларига «Ҳозирги ўзбек адабий тили» фанининг «Синтаксис» бўлимини ўтиш, магистратура босқичи лингвистика йўналиши талабаларига «Прагмалингвистика», «Лингвистика назарияси ва амалий тилшунослик» курсларида гап қурилиши, гапнинг прагматик хусусиятлари масаласини ёритиш билан изоҳланади.



**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбек тилидаги истак гапларнинг семантик-синтактик ва прагматик хусусиятлари тадқиқи юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбек тилидаги истак гапларнинг семантик-синтактик хусусиятлари бўйича чиқарилган хулосалардан Хитой Халқ Республикаси Пекин Марказий миллатлар университети Академик тадқиқотлар бўлими лойиҳалари бўйича РХ167201960 «Масофавий таълимни ташкиллаштириш ва ислоҳ қилиш» мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Хитой Халқ Республикаси Пекин Марказий миллатлар университетининг 2021 йил 6 ноябрдаги РХ167201960-сон маълумотномаси). Олинган натижалар Хитой Халқ Республикаси Пекин Марказий миллатлар университети (Minzu university of China)да ўзбек тили ўқитиш, ҳамда хитойликлар учун «Ўзбек тили» дарслигини тайёрлашда хизмат қилган;

истак гапларнинг семантик-синтактик ва прагматик хусусиятлари ҳақидаги назарий қарашлардан Швециянинг Уппсала университети Тилшунослик, филология ва туркий тиллар бўлимида «Ўзбек тилшунослиги» фанини ўқитишда фойдаланилган (Швеция Уппсала университетининг 2021 йил 2 декабрдаги маълумотномаси). Нутқда истак орқали сўзловчи муносабатининг ифодаланиши билан боғлиқ натижалар «Ўзбек тилшунослиги» ва «Ўзбек тили» фанлари бўйича маъруза ва амалий машғулотлар назарий ва амалий жиҳатдан бойишига хизмат қилган;

гапнинг коммуникатив мақсадга кўра турларини белгилашда истак гапларнинг аҳамияти ҳақидаги натижалардан 2019-2020, 2020-2021 ўқув йиллари давомида Марказий Миллатлар университети, Пекин чет тиллари университети, Шанхай чет тиллари университети, Шимоли-ғарбий Миллатлар университети, Синьцзян университети, Хенан Луоянг Чет тиллари институти 0502 – Ўзбек тили бакалаврият йўналиши ўқув дастурларига жорий қилиниб, «Ўзбек тили» дарслиги нашр қилинган. Мазкур дарслик 2019 йили Пекин олий таълим муассасаларининг «Юқори сифатли бакалаврият дарслиги» унвонига сазовор бўлган (Хитой Халқ Республикаси Марказий Миллатлар университети нашриёти, масъулияти чекланган жамияти 2021 йил 17 ноябрдаги маълумотномаси). Натижада «Ўзбек тили» фани бўйича маъруза ва амалий машғулотлар материалларининг назарий ва амалий жиҳатдан бойишига эришилган;

Ўзбек тилида истакнинг ифодаланиши ҳақидаги маълумотлардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «O‘zbekiston» телерадиоканали ДУК «Маданий-маърифий ва бадий эшиттиришлар» муҳарририяти томонидан тайёрланган «Бедорлик», «Миллат ва маънавият» радиоэшиттиришлар сценарийларида (2021 йил октябрь ва ноябрь ойлари) самарали фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 17 ноябрдаги 04-25-1740-сон маълумотномаси). Тадқиқотдаги ўзбек тилида истак гапларнинг семантик тузилиши, синтактик структураси ҳамда истак гапларда реал ва ирреал истакнинг ифодаланишига бағишланган таҳлилий фикрлар ва назарий хулосалар радио ижодкорларига яқиндан илмий манба сифатида ёрдам берди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация натижалари 8 та илмий-амалий анжуман, жумладан, 3 та республика ҳамда 5 та халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси юзасидан 14 та илмий иш нашр этилган. Шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола (4 таси республика, 2 таси хорижий журналларда) эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 133 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

**Кириш** қисмда тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, илмий янгилиги, амалий натижаларига тавсиф берилган; олинган натижаларнинг назарий ҳамда амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқотнинг жорий қилиниши, натижаларнинг эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Сўзловчи истак-хоҳишининг тилда акс этиши**» деб номланган. Бобнинг биринчи фаслида истак феноменининг турли фан соҳаларида ўрганилиши масаласига муносабат билдирилган. Маълумки, истак инсоннинг бирон нарсага эгалик қилиш ёки унга эришишга бўлган эҳтиёжини онгли равишда ҳис қилиши бўлиб, у муайян фаолиятга йўналтирувчи, ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланади. Е.Ю. Макеевнинг эътирофига кўра, «истак бу – биринчи ўринда сўзловчининг исталган нарсага эришишнинг яқин вақтдаги режаси; сўнгра истак – интиқлик ва ёқимли кутиш, ва ниҳоят, истак бу – руҳий азоб, соғинчдир»<sup>11</sup>.

Фалсафий жиҳатдан ёндашганда истак инсоннинг ўзини онгли равишда хоҳишига жалб қилиши<sup>12</sup>, унинг онгли эҳтиёжи<sup>13</sup>, юзага келган эҳтиёжнинг англанишини характерлайдиган инсон фаолиятининг мотивидир<sup>14</sup>.

Истак психик жараён сифатида инсон табиатининг муҳим қирраси, унинг тириклиги, яшашига туртки берувчи омиллардан бири, ички эҳтиёжларининг ифодасини англатади. Бу жиҳатдан истак универсал, шу билан бирга, ҳар бир инсонда ўзига хос тарзда юзага чиқишига кўра индивидуалдир. Айнан истак инсоннинг шахсияти, кимлиги, атроф-муҳитга муносабати, ҳаётда танлаган йўли, мақсади кабиларни аниқлашга имкон беради.

Истак инсонда муайян мақсадни юзага келтиради, уни шу мақсад йўлида ҳаракат қилишга ундайди. Машҳур философ Г.Х.Вригт қайд этганидек, истак мақсадга йўналтирилган фаолиятнинг асоси бўлиб, ушбу фаолиятнинг биринчи босқичидаёқ субъектнинг уни амалга оширишдаги башорати ва мақсадга

<sup>11</sup> Макеева Е.Ю. Функционально-семантическое поле как средство репрезентации концепта «желание» в английском языке (в синхронии и диахронии): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Самара. 2006. – С.15.

<sup>12</sup> Спиноза Б. Избранные произведения: в 2-х т. М.: Мысль, 1957. Т. 1. – С. 464.

<sup>13</sup> Философская энциклопедия: в 5-ти т. / под ред. Ф. В. Константинова. – М.: Советская энциклопедия, 1962. Т. 2. – С. 124.

<sup>14</sup> Философская энциклопедия /[https://dic.academic.ru/dic.nsf/enc\\_philosophy/6085/%D0%96](https://dic.academic.ru/dic.nsf/enc_philosophy/6085/%D0%96)

эришишдаги қатъий иродаси билан мураккаблашади. Бу вақтда истак субъектнинг объектни эгаллашга қаратилган нияти сифатида юзага чиқади<sup>15</sup>.

Инсон табиатига хос истак турли фан соҳаларида ўрганилиб, бу фанларнинг йўналиши асосида турлича тавсифланади. А.В.Гончарованинг қайд этишича, психологияда истак субъектнинг ўз иродасини ифода этиши қобилияти ва келажакка бўлган интилишлари мотивациясидир; антропологияда истак тирик мавжудотларнинг эволюцион натижаларга тизимли равишда интилишидир; социологияда истак жамиятнинг ривожланишини таъминлайдиган табиий ва ижтимоий куч саналади; истак категориясининг когнитив аспекти инсоннинг когнитив-аффектив ҳолатига урғу беради ва, ўз навбатида, унинг вербал ёки новербал ҳаракатида ўзига хос ифодага эга бўлади (лингвистика)<sup>16</sup>. Кўринадики, истак ҳодисаси кўп қиррали бўлиб, турли фан соҳаларининг ўрганиш объекти бўла олади.

Тилшунослик учун ташқи оламнинг тилда акс этиши ва бунда тил воситаларининг бажарадиган вазифасини таҳлил қилиш, тилнинг инсонга ва инсоннинг тилдан фойдаланиш жараёнида унга таъсирини ўрганиш бош масаладир. Шу жиҳатдан бу соҳада истак категориясининг қайси тил воситалари билан ва қандай усулларда ифодаланиши, истак ифодаловчи бирликларнинг семантик тавсифи, истакнинг ифодаланишида инсон омилининг ўрни масаласини текшириш муҳим аҳамиятга эга.

Тилшуносликда истак категорияси асосий ҳолларда модаллик доирасида ўрганилган. Жумладан, рус тилшунослигида истак категорияси оптатив модаллик ҳамда субъектив модаллик доирасида тадқиқ этилган<sup>17</sup>. Ўзбек тилшунос-лигида ҳам истак категориясининг субъектив модалликка дахлдорлиги ҳақидаги қарашлар мавжуд. Жумладан, С.Боймирзаева субъектив модалликнинг волонтиратив қатламини ташкил қилувчи семантик категорияларга истак категориясини ҳам киритган<sup>18</sup>. Дарҳақиқат, истак категорияси инсоннинг воқеликка нисбатан истак-хоҳиши шаклидаги ҳиссий муносабатини акс эттириши жиҳатидан модалликка алоқадор.

Ҳар бир тилда истак категорияси тилнинг махсус воситалари орқали ифодаланади. Рус олимаси Н.А.Агашина бундай бирликларни *истак маркерлари* деб атаган. Унинг фикрича, «истак маркерлари сўзловчининг дунёдаги воқеаларга муносабатини исталган ёки исталмаган муносабат сифатида ифодалайди. Истакнинг ҳар қандай шаклда – ижобий (*хочу*) ёки салбий (*не хочу*)

<sup>15</sup> Воркачева Е. А. «Сама сущность или природа каждого»: семантика желания и речевое употребление глагола to wish // [https://www.gramota.net/articles/issn\\_1997-2911\\_2017\\_3-1\\_19.pdf](https://www.gramota.net/articles/issn_1997-2911_2017_3-1_19.pdf)

<sup>16</sup> Гончарова А.В. Лингвистический феномен «желание» в русском и «der Wunsch» в немецком языках // [https://pgu.ru/upload/iblock/c16/goncharova-a.v.-\\_lingvisticheskiy-fenomen-...-vii\\_.pdf](https://pgu.ru/upload/iblock/c16/goncharova-a.v.-_lingvisticheskiy-fenomen-...-vii_.pdf)

<sup>17</sup> Кокова А.В. Лексико-грамматическое поле средств оптативной модальности в немецком языке: Дисс. ... канд. филол. наук. – М.: МПГИ, 1985. – 180 с.; Шестакова О.Б. Субъективное модальное значение «желания» и его актуализация в дискурсе: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1995. – 18 с.; Алтабаева Е.В. Категория оптативности в современном русском языке: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – М., 2003. – 35 с.; ва бошқалар.

<sup>18</sup> Боймирзаева С. Ўзбек тилида матннинг коммуникатив-прагматик мазмунини шакллантирувчи категориялар: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2010. – Б. 166.

шаклда воқеланиши сўзловчининг мақсадига янада кўпроқ мос келувчи ҳақиқий дунё манзарасини моделлаштиришга олиб келади»<sup>19</sup>.

Инсоннинг истак-хоҳиши моҳиятига кўра турлича бўлгани боис тилда ҳам турли кўринишларда воқеланади. Жумладан, бирор бир нарса-предметга эга бўлишликни иташ характеридаги истакнинг моҳияти ушбу предметнинг хусусияти, уни қўлга киритишнинг имконияти бор-йўқлиги асосида белгиланади. Бу жиҳатдан истакни амалга оширишнинг имкони бор (реал) ва истакни амалга оширишнинг имкони йўқ бўлган (ирреал) турларини фарқлаш мумкин. Ёки истакни у орқали инсоннинг қандай ҳиссий муносабати ифодаланишига кўра ҳам фарқлаш мумкин бўлади. Яъни истакнинг амалга ошмаслиги инсонда афсусланиш ҳиссини, аксинча, истакнинг рўёбга чиқиши унда миннатдорчилик, кувонч туйғусини юзага чиқариши мумкин.

Хуллас, истак феномени кўп қиррали ҳодиса ва шунга кўра турли фан соҳаларининг ўрганиш объекти бўла олади. Бу ҳолат, табиий равишда, унинг тадқиқида турлича ёндашувлар бўлишини асослайди.

Биринчи бобнинг кейинги фасли «Истак гапларни антропоцентрик аспектда тадқиқ этишнинг илмий аҳамияти» деб номланган. Ўтган асрнинг сўнгги чорагидан бошлаб тил бирликларини антропоцентрик ёндашув асосида тадқиқ этиш натижасида тилда тизимга хос белгилар билан бир қаторда инсонга хос шахсий сифатларнинг ҳам намоён бўлиши, «тил инсон томонидан яратилар экан, уни яратувчи ва фойдаланувчиси билан боғламай тушунилиши ва тушунтирилиши мумкин эмас»лиги<sup>20</sup> ҳақидаги илмий-назарий қарашлар илгари сурилди.

Маълумки, нутқ жараёнида ҳар бир гап тури тил эгаси томонидан ҳосил қилинар экан, унда инсон шахсига хос муайян сифатларнинг кузатилиши табиий. Профессор Н.Маҳмудов қайд этганидек, «тил инсон шахсини таркиб топтирувчи бош унсур ҳисобланар экан»<sup>21</sup>, инсон шахсининг тил, айниқса, унинг синтактик бирлиги бўлган гапда бевосита намоён бўлиши исбот талаб этилмайдиган ҳақиқатдир. Антропоцентрик моҳиятга эга мана шундай гап турларидан бири истак гаплардир.

Истак гапларнинг воқеланиши, аввало, инсон ҳамда у фойдаланаётган тилнинг грамматик тизими, лексик таркиби кабилар билан боғлиқ. Истак гапларни шакллантиришда инсон ўз истак-хоҳишини лисоний онгидан ўрин олган тайёр гап қолипларига солиб, ифода этиш билан чегараланмайди. Бу жараёнда лисоний қобилияти ва тил билимига асосланган ҳолда тилдаги мавжуд бирликлардан мақсадли фойдалана олиш маҳоратини ишга солади.

Истак гапларни шакллантириш жараёнидаёқ инсонга хос жиҳатлар, жумладан, унинг мақсади, истак-хоҳиши намоён бўлади. Тил эгасининг коммуникатив мақсадига мувофиқ тарзда истак-хоҳишнинг қай тарзда ифодаланиши гапнинг структур тузилишига бевосита таъсир кўсатади. Шунга мос тарзда турли тилларда истак гапларнинг нафақат семантик-синтактик структурасида, балки прагматик, когнитив, миллий-маданий жиҳатларида ҳам

<sup>19</sup> Агашина Н.А. Ирреальная модальность в современном русском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ставрополь. 2003. – С.15.

<sup>20</sup> Кравченко А.В. Язык и восприятие: Когнитивные аспекты языковой категоризации. – Иркутск: Изд-во Иркутского ун-та, 1996. – С.6.

<sup>21</sup> Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб... // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2012. – № 5. – Б. 6-7.

фарқлар кузатилади. Масалан, истак гапларни ҳосил қилишда тил эгаларининг ёш хусусияти муҳим ўрин тутди. Кичик ёшдаги ўзбек болалари нутқида истак гапларнинг кўп қўлланилиши ва асосий ҳолларда истакнинг буйруқ орқали баён этилиши уларнинг ёш хусусиятлари билан боғлиқ.

Ҳар қандай истак гапда, аввало, инсоннинг истак-хоҳиши акс этади. Бирок шундай истак гаплар ҳам мавжудки, уларда кишиларнинг истак-хоҳишлари билан бирга, орзу-умидлари, воқеликка муносабати, руҳий ҳолати, ёши, жинси ҳақидаги маълумотлар ҳам юзага чиқади. Бундай вазиятда истак гаплар семантикаси қўшимча прагматик омиллар ҳисобига мазмунан мураккаблашади. Масалан, *Оҳ, қанийди дардим енгиллаиса!* гапида сўзловчининг истак-хоҳиши билан бирга унинг руҳий ҳолати (тушкун ҳолати) ҳам намоён бўлади. Демак, бу каби истак гапларда нутқ эгасининг коммуникатив мақсадидан ташқари унинг руҳияти, воқеликка нисбатан салбий ёки ижобий муносабати, ижтимоий мавқеи, ёши, жинси ҳақидаги маълумотлар ҳам юзага чиқади. Бу ҳолат истак гапларни антропоцентрик аспектда ўрганиш лозимлигини кўрсатади.

Бобнинг сўнгги фасли «Истак гаплар ҳақидаги назарий қарашлар таҳлили» деб номланган. Маълумки, истак гаплар барча тилларда семантик-синтактик жиҳатдан алоҳида гап тури сифатида ажратилади. Жумладан, рус тилшунослигида истак гаплар *оптатив гаплар* (лотинча *optativus* – истак майли) термини билан номланиб, турли аспектларда тадқиқ этилган<sup>22</sup>.

Ўзбек тилида бу турдаги гаплар, айрим қиёсий аспектдаги ишларни инобатга олмаганда<sup>23</sup>, *истак гаплар* деб аталади. Ўзбек тилшунослигида истак гапларнинг моҳияти, синтактик тузилиши ҳақида илк назарий маълумотлар А.Фитрат томонидан берилган. Фитрат бундай гапларни *тилак гапи* деб атаган<sup>24</sup>. Шунга қарамай, ўзбек тилшунослигида истак гаплар узоқ йиллар давомида алоҳида гап тури сифатида ўрганилмаган. Фақат 1995 йилга келиб Н.Маҳмудов, А.Нурмоновларнинг «Ўзбек тилининг назарий грамматикаси»<sup>25</sup> номли ўқув қўлланмасида истак гаплар алоҳида гап тури сифатида ажратилган ва шундан кейингина ўқув адабиётларига киритилган.

Ушбу ўқув қўлланмада истак гапларнинг семантик-синтактик тузилиши ҳақида қисқача маълумот берилган, истак гапларнинг кесим вазифасидаги -са аффиксли феъл шакллари орқали ҳосил бўлиши айтилиб, К/ф.-са/ тарзидаги қурилиш модели кўрсатилган<sup>26</sup>. Бу ўринда айтиш жоики, ушбу модел ўзбек тилидаги истак гапларнинг фақат кесими -са аффиксли феъллардан ташкил топган тури учун мувофиқ келади. Аммо истак гапларнинг лексик воситалар (*хоҳламоқ, истамоқ, тусамоқ* каби) ёки бошқа грамматик кўрсаткичлар (*-ганда*

<sup>22</sup> Алтабаева Е.В. Категория оптативности в современном русском языке: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – М., 2003. – С. 20-21; Алтабаева Е.В. Оптативные предложения в современном русском языке. Учеб. пособие. – Мичуринск, 2003. – 164 с.; Щербакова М.И. Категория оптативности в русском языке (опыт сопоставительного анализа): Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2015. – 219 с.; Цзян Яо. Функционально-семантические типы оптативных предложений в русском и китайском языках: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Душанбе, 2020. – 27 с.; ва бошқалар.

<sup>23</sup> Камалов У. А. Оптативные предложения в русском и узбекском языках // Молодой ученый. – М., 2020. – №47 (337). – С.449-452.

<sup>24</sup> Фитрат А. Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба. Танланган асарлар. Иккинчи китоб: Нахв. – Тошкент: Маънавият, 2006. – Б. 204.

<sup>25</sup> Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б. 46-47.

<sup>26</sup> Маҳмудов Н., Нурмонов А. Кўрсатилган китоб. – Б. 47.

эди, -ганда бир нави эди, -ганда бошқа гап эди, -гим келмоқ, -гим бор кабилар) билан ҳосил бўлган турлари учун асос бўла олмайди. Мана шуларни эътиборга олиб, диссертацияда истак гапларнинг барча турлари учун умумий тарзда [Ист. КШ] моделидан фойдаланилди.

Ўзбек тилшунослигида истак гаплар узоқ йиллар давомида алоҳида гап тури сифатида ажратилмаган бўлса-да, истак маъносининг морфологик (-са шарт майли, буйруқ-истак майли шакллари орқали), синтактик (дарак, буйруқ, эмоционал гапларда) бирликларда юзага чиқиши ҳақида маълумотлар бериб ўтилган. Масалан, А.Ғуломовнинг «Феъл», А.Ҳожиёвнинг «Феъл» ва «Тўлиқсиз феъл» китобларида феълнинг шарт ва буйруқ-истак майллари орқали истак маъносининг ифодаланиши айтиб ўтилган<sup>27</sup>. М.Содиқованинг «Феъл стилистикаси» китобида ҳам феълнинг шарт ва буйруқ-истак майллари грамматик кўрсаткичлари ҳамда *кошки, қани (қани эди, қани энди)* бирликлари орқали истак маъносининг ифодаланиши кўрсатилган<sup>28</sup>.

Ўзбек тилида истакнинг синтактик сатҳда ифодаланиши С.Солихўжаева, Д.Лутфуллаева, М.Базарова, Д.Кўлбоевалар томонидан қисман ёритилган. Бу ишларда истак гапларнинг барча кўринишлари, истакнинг нутқда яширин ифодаланиши, истак гапларда баҳо муносабатининг юзага чиқиши, истак гапларда шакл ва мазмун муносабати масаласи тўлиқ ўрганилмаган<sup>29</sup>.

М.Базарованинг «Ўзбек тилидаги ижобий истак мазмунини ифодаловчи нутқий бирликларнинг лисоний хусусиятлари (дуолар ва нутқий этикетлар асосида)» мавзусидаги тадқиқотида эса фақат ижобий истак ифодаловчи гаплар лингвистик жиҳатдан таҳлил қилинган. Олима асосий эътиборини дуолар ва нутқий этикетларнинг лисоний хусусиятларини очиқ беришга қаратган<sup>30</sup>.

Ўзбек тилшунослигида истак гапларни антропоцентрик аспектда ўрганиш масаласи айрим мақолаларда ўртага ташланган<sup>31</sup>, аммо махсус тадқиқ этилмаган. Аммо бошқа тилшуносликларда истак гапларнинг антропоцентрик аспектда ўрганилганлигини алоҳида эътироф этиш лозим<sup>32</sup>.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Истак гапларнинг семантик-синтактик структураси**» деб номланган. Бобнинг «Истак гапларнинг семантик тузилиши:

<sup>27</sup> Ғуломов А. Феъл. – Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1964. – Б. 49; Ҳожиёв А. Тўлиқсиз феъл. – Тошкент: Фан, 1970. – Б. 160; Ҳожиёв А. Феъл. – Тошкент: Фан, 1973. – 192 б.

<sup>28</sup> Содиқова М. Феъл стилистикаси. – Тошкент: Фан, 1975. – Б.11.

<sup>29</sup> Салиходжаева С. Эмоциональные предложения в современном узбекском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1981. – 21 с.; Лутфуллаева Д. Тасдиқ гапларда инкор ва шаклий-мазмуний номувофиклик: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1997. – 21 б.; Базарова М.М. Ўзбек тилидаги ижобий истак мазмунини ифодаловчи нутқий бирликларнинг лисоний хусусиятлари (дуолар ва нутқий этикетлар асосида): Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2007; Кўлбоева Д. Истак гаплар хусусида // Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ. 2009. – Б.95-96; Шу муаллиф. Кўлбоева Д. Ўзбек тилида истак гапларнинг ифодаланиши хусусида // Ўзбек тилшунослиги: тараққиёт тамойиллари, илмий муаммолар, истиқболдаги вазифалар. – Тошкент: ЎзМУ, 2013. – Б. 132.

<sup>30</sup> Базарова М.М. Кўрсатилган тадқиқот.

<sup>31</sup> Лутфуллаева Д., Абдуманнобова М. Ўзбек тилида истак концептининг вербал ифодаси // Истиқлол ва тил. Илмий-амалий анжуман материаллари. 7-қисм. – Тошкент, ЎзДЖТУ, 2015. – Б. 70-74; Дадажонов О. Истак гапларнинг прагматик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2017. – № 6. – Б. 106-109.

<sup>32</sup> Макеева Е.Ю. Функционально-семантическое поле как средство репрезентации концепта «желание» в английском языке (в синхронии и диахронии): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Самара, 2006. – 23 с.; Мастерских С.В. Концепт «желание» в сопоставительном плане (на материале глагольных лексем русского, английского и немецкого языков): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тюмень, 2004. – 20 с.; Жук Е. А. Сопоставительный анализ ядерных предикатов желания в русском и английском языках (прагмасемантические аспекты): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. Краснодар, 1994. – 17 с.; ва бошқалар.

соф истак гаплар» деб аталган биринчи фаслида соф истак гапларнинг семантик хусусиятлари очиб берилган.

Нутқ жараёнида сўзловчи, тингловчи ёки ўзгалар истак-хоҳишининг махсус синтактик структура орқали воқеланиши истак гапларнинг ўзига хос семантик-синтактик моҳиятли гаплар эканлигини кўрсатади. Истак гапларга хос муҳим жиҳат шундаки, бундай гапларда нафақат сўзловчи истак-хоҳиши, балки тингловчи ва ўзга кишиларга хос бўлган истак ҳам ифодаланади. Шу асосда айрим манбаларда *истак субъекти* ва *сўзловчи истаги* тушунчалари фарқланади. *Сўзловчи истаги* тушунчаси фақат биринчи шахсдаги нутқ эгасини англатса, *истак субъекти* бошқа истак эгаларини ҳам қамраб олади.

Манбаларда истак гапларда истак ифодалашнинг турли мажбурий компонентлари фарқланади. А.П.Мальцева истак феноменини фалсафий-антропологик аспектда ўрганар экан, истак тушунчасининг генезисида учта маъно бирлашганлигини қайд этади: 1) субъект бошидан кечирган ҳолат; 2) субъект ва объект ўртасидаги муносабат тавсифи; 3) объект хусусияти<sup>33</sup>.

Албатта, фалсафий ёндашувда истак ифодаловчи тил воситаларини ўрганиш аҳамиятга эга эмас. Аммо тилшунослик учун истакнинг тилда ифодаланиши масаласи муҳим. Шу боис истак гапларнинг асосий семантик компонентлари сифатида *истак субъекти*, *истак объекти* ва *истак ифодаловчи воситани* ажратилиши мантиқан тўғри бўлади.

Ҳар бир истак гапда «истак эгаси» тушунчасини англатувчи *истак субъекти* мавжуд бўлиб, у гапнинг муҳим компоненти ҳисобланади. Истак гапларда айнан шу «субъект»нинг истак-хоҳиши ҳақида маълумот берилади. Е.В.Алтабаеванинг фикрича, оптатив гапларда ички синтактик модаллик муносабатларининг имплицит ва эксплицит ифодаси асосида *сўзловчи истаги* (оптатива) ва *субъект истаги* (дезиратива) компонентлари объектив модалликда субъектив элементнинг намоён бўлиши сифатида фарқланиши муҳим<sup>34</sup>. Б.Ч.Ооржак ҳам *истак субъекти* компоненти доирасида *субъект истаги* ва *сўзловчи истагини* фарқлайди<sup>35</sup>. Назаримизда, *истак субъекти* тушунчаси сўзловчинини ҳам қамраб олади. Шу боис гапнинг бу семантик компонентига нисбатан ҳам *истак субъекти* терминини умумий тарзда қўллаш тўғри бўлади. Қуйидаги мисолларни қиёслаймиз: 1. *Ҳеч бўлмаса узоқдан бир кўрсам эдим...* (Н.Ҳошимов) 2. *Сен ўзинга эътибор қаратишларини истаяпсан.* (Сўзл.) 3. *Эътибор югуриб бориб қўлтигидан кўтаргиси, пешонасидан, ўша оқариб келаятган чаккаларидан силагиси, овутигиси келди.* (С.Аҳмад)

Биринчи гапда сўзловчининг истак-хоҳиши ифодаланган, иккинчи гапда тингловчининг ва сўнги гапда эса ўзганинг истаги акс этган. Шуниси характерлики, нутқ эгаси тингловчи ва ўзганинг истак-хоҳишидан хабардор бўлганида уларнинг истаги ҳақида ахборот беради. Бундай вазиятда истак субъекти сўзловчидан бошқа субъектларни англатади. Масалан: *Очиқ айтиб, кўнгилни бўшаттишни эса негадир истамасди.* (Ў.Умарбеков)

<sup>33</sup> Мальцева А.П. Феномен желания: философско-антропологический подход: Автореф. дисс. ... д-ра философ. наук. – Нижний Новгород, 2006. – С. 12.

<sup>34</sup> Алтабаева Е.В. Категория оптативности в современном русском языке: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – М., 2003. – С. 10.

<sup>35</sup> Ооржак Б.Ч. Грамматическое выражение модального значения желания в тувинском языке // file:///C:/Users/1/Downloads/grammaticheskoe-vyrazhenie-modalnogo-znacheniya-zhelaniya-v-tuvinskom-yazyke.pdf

Нутқда сўзловчи ўз истагини гўё ўзганинг истак-хоҳиши ҳақида хабар бераётгандек 3-шахс тилидан маълум қилиши ҳолатлари ҳам кузатилади. Масалан: *Қани энди уйига тезроқ борса-ю, онасининг тиззасига бош қўйса, бутун дарду ҳасратини тўкиб солиб, қотиб уйқуга кетса...* (Н.Ҳошимов)

Баъзан истак субъекти предметни англаиб келади. Кўпинча бадий матнларда жонлантириш санъати асосида инсонларга хос бўлган истак «предмет»ларга кўчирилади. Масалан: *Бу ватанда бир Ватан Қурмоқни истайдир кўнги...* (Э.Воҳидов)

Ўзбек тилида истак субъекти кўпинча кишиларга қўйилган атоқли отлар, лақаб, тахаллусни билдирувчи исмлар, кишилик олмошлари, шахс отлари, шахсларга ишора қилувчи отлашган сўзлардан ташкил топади. Гапда истак субъекти махсус ифода воситасига эга бўлмаган ҳолларда кесимнинг шахс-сон кўрсаткичи орқали ёки контекст, нутқ вазияти асосида унга аниқлик киритилади. Қуйидаги гапда истак субъекти сўзловчи эканлиги билиниб турса-да, унинг айнан кимлиги (асарда бу жумла қизча нутқда келтирилган) контекст асосида аниқланади: *–Нон. Дада, но-о-он!* (Ў.Ҳошимов)

Истак гапларда *истак объекти* тушунчаси алоҳида ўрин тутади. Истак объекти гапда семантик жиҳатдан истак йўналтирилган объект бўлиб, нарса-предмет, шахс, макон, замон, ҳаракат каби тушунчаларни англатади. Масалан: а) предметни англатади: ... *Аммо қани энди тоғ йўлида бирор машинанинг қораси кўринса!* (О.Ёқубов); б) шахсни англатади: *У ... Момоқизни кўргиси келди!* (Т.Мурод); в) замонни англатади: *Қани эди, ўша студентлик йиллари қайтиб келса.* (С.Аҳмад); г) маконни англатади: *Тезроқ етиб борақолса-ю, тенги йўқ, беқиёс гўзал қизнинг ёнгинасида ўтирса.* (С.Аҳмад) ва ҳоказо.

Истак гапларда *истак ифодаловчи восита* тушунчаси истак мазмунини ҳосил қилувчи тилнинг барча воситаларига нисбатан қўлланади. Ушбу компонент гапнинг нафақат семантик жиҳатдан шаклланишида муҳим, балки грамматик жиҳатдан ҳам таркиб топишида ҳам аҳамиятлидир. Шу сабабли уни «грамматик-семантик компонент» сифатида ҳам изоҳлаш мумкин. Масалан, *Мен ўқишни хоҳлайман* гапида *мен* – истак субъекти, *ўқишни* – истак объекти, *хоҳлайман* – истакни ифодаловчи воситадир.

Тилшуносликда истак гапларни семантик жиҳатдан таснифлашда турлича ёндашувлар мавжуд. Уларда, асосан, истак гапларда юзага чиқувчи бирламчи ва кўшимча мазмуний муносабатлар инобатга олинган. Умуман, истак гапларда субъект истак-хоҳишининг ифодаланишида икки хил ҳолат кузатилади: 1) гапда субъектнинг фақат истак-хоҳиши ифодаланади; 2) гапда субъектнинг истак-хоҳиши билан бирга орзу-умидлари, тилаги, мақсади, шарти, буйруғи кабилар ҳам акс этади.

Субъектнинг фақат истак-хоҳишини ифодалаш билан чегараланувчи гаплар *соф истак гаплар* ҳисобланади. Аммо бу тушунча нисбий. Чунки фақат истак ифодаланиши таъкидланган бундай гапларда нутқ эгасининг бу истак ҳақидаги хабари ҳам акс этади. Бу турдаги гапларда субъектнинг амалга ошиши мумкин бўлган истаги ёхуд амалга ошмайдиган хаёлий истаги ифодаланади. Сўзловчи истак-хоҳиши бевосита ифодаланганда истакнинг бирламчи усулда ифодаланиши ҳақида хулоса қилиш мумкин. Аммо сўзловчи истак-хоҳиши нутқда билвосита ифодаланиши ҳам кузатилади. Жумладан, истак маъноси гапда



пресуппозиция орқали яширин тарзда юзага чиққанда истакнинг билвосита усулда ифодаланиши ҳақида гапириш мумкин бўлади.

Иккинчи бобнинг «Истакнинг гапда ҳамроҳ маънолар бирга ифодаланиши» деб номланган иккинчи фаслида сўзловчи истак-хоҳишининг бошқа мазмуний ифодалар билан қоришган ҳолда юзага чиқиши масаласи таҳлил қилинган. Нутқда истак маъноси мақсад, шарт, таклиф ва бошқа мазмуний муносабатлар билан бирга қоришган ҳолда юзага чиқиши мумкин. Бу ҳолат нутқ эгасининг истак гапда кўзлаган коммуникатив мақсади билан боғлиқ ҳолда юзага чиқади. Шунга кўра бундай истак гапларни семантик жиҳатдан қуйидаги ички турларга ажратиш мумкин: 1. Хабар ифодаловчи истак гаплар: *Раҳимовнинг ёшлигига қайтиб кетгиси келди...* (С.Аҳмад) 2. Маслаҳатни ифодаловчи истак гаплар: *Сен аввал тобутларинг-га эгаларини жойлагин-да, кейин ногора қоқ!* (Т.Малик) 3. Сўроқ ифодаловчи истак гаплар: – *Қудратингдан ўргилай, худо, кўзимни олганингга яраша оёғимни тинч қўйсанг бўлмасмиди...* (С.Аҳмад) 4. Ҳиссий муносабат ифодаловчи истак гаплар: *Бирин-кетин ёпирилиб келган аламли, аёвсиз саволлар юрагимни гижимлар, дод деб юборгим келарди.* (Ў.Ҳошимов); 5. Тилак ифодаловчи истак гаплар: *Бунақа бозорга ўт тушиб, алангаси осмонга чиқсин!!* (Ў.Ҳошимов). 6. Таклиф ифодаловчи истак гаплар: – *Кўрқсангиз, бирга тайёрлай қўя қолайлик!...* (О.Ёкубов) ва бошқалар.

Кўринадики, истак гаплар семантик жиҳатдан мураккаб тузилишли гаплардир. Бундай гапларда истак мазмуни соф тарзда ҳамда бошқа мазмуний ифодалар билан қоришган ҳолда ифодаланади. Нутқда кейинги турдаги истак гаплар кенг тарқалган бўлиб, уларда истак маъноси бошқа мазмуний ифодалар билан бирга келса-да, бевосита ифодаланади.

Ўзбек лингвомаданиятида истакнинг нутқда тилак фонидида ифодаланиши кенг тарқалган бўлиб, истакнинг бундай усулда юзага чиқиши иккиламчи усул ҳисобланади. Бундай вазиятда истак маъноси гапда билвосита ифодаланади.

Маълумки, тилак билдирувчи гапларда *тилак тилаш* мазмуни акс этади. Бу турдаги гаплар кўпинча дуолардан ташкил топади. Сўзловчи бундай гаплар орқали тилагини билдирар экан, Оллоҳдан ёки инсондан истагидаги бирор нарсани сўраш амалини ҳам бажаради. Шу сабабли бу турдаги гапларда тилак билан бирга сўзловчи истаги ҳам юзага чиқади. Шу жиҳатдан тилак билдирувчи гаплар истак гаплардан фарқланади. Қиёсланг: 1. *Дўстим, сенга Оллоҳдан соғлик-саломатлик тилайман!* 2. *Дўстим, сенинг соғ-саломат бўлишингизни иштайман!*

Биринчи гап субъектнинг тилагини акс эттирган сабабли семантик жиҳатдан тилак билдирувчи гап саналади. Шу билан бирга, ушбу тилак ортида дўстининг соғ-саломат бўлишини исташи ҳам ифодаланган. Гапда истак маъноси яширин ифодалангани учун марказий маъно ҳисобланган тилакка нисбатан кучсиз тарзда юзага чиққан. Кейинги гапда эса, аксинча, истак соф ҳолда ифодаланган. Ўзбек тилида истакнинг тилак орқали ифодаланиши масаласи ушбу банда алоҳида тадқиқ этилган.

Иккинчи бобнинг кейинги фасли «Сўзловчи истак-хоҳишининг воқеликка муносабати: реал ва ирреал истак» деб номланган.

Истак гапларда ифодаланган сўзловчи истак-хоҳишининг воқеликка муносабати нуқтаи назаридан тилшуносликда реал (лот. *realis* – ҳақиқий) ва

ирреал (лот. *irrealis* – «реал бўлмаган», «ҳақиқий эмас») истак турлари ажратилади<sup>36</sup>. Лингвистик ёндашувда *реаллик* тушунчаси тилдаги ифоданинг воқеликка мос келишига нисбатан, *ирреаллик* эса ифоданинг объектив реалликка мос келмаслигига нисбатан қўлланилади. Бу жиҳатдан истак гапларда ифодаланган истак воқеликка мос тушсаа, *реал истак* сифатида баҳоланади. Истак гапларда акс этган сўзловчи истаги воқеликка мос келмаса, сўзловчининг хаёлий истаги билан чегараланса, *ирреал истак* сифатида ажратилади. Демак, реал истак амалга ошиши мумкин бўлган истак бўлса, ирреал истак хаёлий, орзудаги, нутқ эгасининг тасаввуридаги истак саналади.

Реал ва ирреаллик истакнинг амалга ошиши ёки амалга ошмаслигига кўра ҳам ажратилади. Жумладан, В.А.Плунгян амалга ошадиган истакни *реал истак*, амалга ошмайдиган истакни *реал бўлмаган истак* тарзида фарқлайди<sup>37</sup>.

Реал истак гапларда ифодаланган сўзловчи истак-хоҳиши воқеликка мос бўлиб, келгусида амалга ошиши мумкин бўлган, ўтган замонда амалга ошган ёки, умуман, амалга ошадиган истакни англатади. Масалан, *Сизни кўргим, сиз билан гаплашгим келади* (Ў.Умарбеков) гапи нутқ эгасининг амалга ошиши мумкин бўлган истак-хоҳишини акс эттирган.

Ирреал истак гапларда ифодаланган сўзловчи истак-хоҳиши унинг тасавури, хаёлларида мавжуд бўлиб, кўпинча ўтган замонга оид бўлади. Масалан, *Қани энди келмаганигда эди, ҳаммаси бошқача бўларди* кўшма гапининг *Қани энди келганигда эди* компоненти ирреал истак гап бўлиб, унда сўзловчининг ўтган замонда бўлиб ўтган, реал ҳолатда орқага қайтмайдиган воқелик бўйича хаёлий истаги акс этган. Шу сабабли бундай гап ирреал истак гап саналади. Қуйидаги ирреал истак гапда эса сўзловчининг хаёлий орзуси акс этган: *Қани эди олиб кетсангиз... узоқларга... фақат иккаламиз яшайдиган жойга... Атрофимизда ҳеч ким бўлмаса...* (С.Аҳмад)

Реал ва ирреал истак гапларда сўзловчининг коммуникатив мақсади билан боғлиқ ҳолда истак мазмунини акс эттирувчи турли ахборотлар ифодаланади. Жумладан, реал истак гапларда қуйидаги истак турлари воқеланади: 1. Воқеа-ҳодисанинг юз беришини иташ: *Керакли нарсани кўра билишингизни истайман холос.* (Ш.Холмирзаев) 2. Воқеа-ҳодисанинг юз бермаслигини иташ: *Лекин менга ўхшашингни истамайман.* (Ў. Умарбеков) 3. Воқеа-ҳодисанинг тугамаслиги, давом этишини иташ: *Вальс тугамаса, тонггача давом этса! У шуни истарди.* (Ў. Умарбеков) 4. Воқеа-ҳодисанинг амалга ошишидан хавотирга тутиш ва унинг юз бермаслигини иташ: – *Кузги буғдой чириб кетмаса гўргайди...* (Ў.Ҳошимов) ва бошқалар.

Ирреал истак гапларда истакнинг қуйидаги турлари ифодаланади: 1. Нарса-предметнинг реал ҳолатда мавжуд бўлишини иташ: *Қани энди шу кийимга яраша кармон ҳам бўлса!* (Ў. Умарбеков) 2. Воқеа-ҳодисанинг юз бермаган бўлишини иташ: *Қани энди у шу ишни қилмаган бўлса эди.* (С.Аҳмад) 3. Нарса-предмет ёки шахс ўрнида бошқаси бўлишини иташ: *Қани энди шу қизнинг ўрнида ҳозир Гулчехра бўлса? – дея ўйларди.* (Ў. Умарбеков) 4. Нарса-предмет ёки шахс (шахслар)нинг реал ҳолатда муайян маконда бўлишини иташ:

<sup>36</sup> Горя А.Н. Выражение ирреальности в английском предложении: Дисс. ... канд. филол. наук. – Киев, 1988. – 164 с.

<sup>37</sup> Плунгян В.А. Общая морфология. Введение в проблематику. – М., 2000. – С.316.

Қанийди ҳозир Кимсан акам ҳам, дадам ҳам ёнимда бўлса! (Ў.Ҳошимов. «Икки эшик ораси») ва бошқалар.

Иккинчи бобнинг кейинги фасли «Истак гапларнинг синтактик структураси» деб номланган. Ҳар бир тилда истакни ифодаловчи махсус бирликлар мавжуд. Жумладан, немис тилида *wünschen, wollen, mügen, verlangen, gelysten (lysten)* лексемалари истакнинг ифодаланишида муҳим ўрин тутди<sup>38</sup>. Хитой тилида эса 要 уао, 想 xiǎng, 愿意 уанум, 敢 gǎn, 敢于 gǎnyуь, 肯 модал феъллари истакни ифодалашга хизмат қилади<sup>39</sup> ва ҳоказо.

Ўзбек тилида ҳам истакни ифодаловчи махсус воситалар мавжуд. Бундай воситалар, асосан, лексик ва грамматик воситалар бўлиб, улар истак гапларнинг синтактик жиҳатдан шаклланишида муҳим ўрин тутди. Ўзбек тилида истак маъноси асосий ҳолларда грамматик воситалар ёрдамида ҳосил қилинади. Шу сабабли истак ифодаловчи лексик воситалар рус, инглиз, немис тилларидаги каби кўпчиликни ташкил қилмайди. Бу воситалар гапнинг кесими таркибида келиб, уни истак гапга айлантиради.

Истак гаплар, юқорида қайд этилганидек, структур жиҳатдан [Ист.КШ] синтактик қолипи асосида ҳосил бўлади. Бу рамзий ифода ўзбек тилидаги истак ифодаловчи барча турдаги ихчам тузилишдаги гаплар учун умумий қолип вазифасини ўтайди. Ушбу қолип асосида ихчам тузилишдаги истак гаплар ҳосил бўлади. Масалан, *Борсайдим, Келсайди, Келганда эди, Хоҳлайман, Истайман* гаплари [Ист.КШ] синтактик қолипи асосида ҳосил бўлган ихчам тузилишдаги содда гаплар саналади.

Ўзбек тилида истакни ифодалашда лексик воситалар сифатида *истамоқ, хоҳламоқ, тусамоқ* феъл лексемалари энг кўп қўлланилади. Шунингдек, нутқда *истак, хоҳиш, иштиёқ* каби от лексемалар ҳам гапда кесим вазифасида келганда бевосита субъектнинг истак-хоҳишини ифодалашга хизмат қилади. Қиёсланг: *Ўқшига кириши унинг истаги (хоҳиши) эди. У ўқшига киришни истарди. У ўқшига киришни хоҳларди. У ўқшига кириши иштиёқида эди.* Ушбу гаплар мазмунан бири-бирига мувофиқ бўлиб, уларни нутқда ўзаро эркин алмаштириб қўллаш мумкин бўлади.

Ўзбек тилида истак ифодаловчи грамматик воситалар, асосан, феълнинг муайян грамматик шаклларида ташкил топади. Феълларнинг *-са, -са+эди, -са+экан; -син, -син+эди, -син+экан; -ганда + эди, -ганда +экан; -моқчи, -моқчи +эди, -моқчи + экан* каби грамматик шакллари истакни ифодалашда қўлланилади. Шунингдек, истак гаплар кесими *-гим (-гинг, -гиси...)* келмоқ, *-са бўлгани, -са бошқа гап эди // -ганда бошқа гап эди // -ганда бир нави эди, -са гўрга эди* (сўзл.) тарзидаги феълли қурилмалар орқали ҳам ифодаланади. Диссертацияда истак гапларни ҳосил қилувчи бу воситаларнинг семантик хусусияти ёритилган. Қуйида улардан айримларига тавсиф бериб ўтамиз.

<sup>38</sup> Қаранг: Гончарова А.В. Лингвистический феномен «желание» в русском и «der Wunsch» в немецком языках // [https://pgu.ru/upload/iblock/c16/goncharova-a.v.-\\_lingvisticheskiy-fenomen-...-vii\\_.pdf](https://pgu.ru/upload/iblock/c16/goncharova-a.v.-_lingvisticheskiy-fenomen-...-vii_.pdf)

<sup>39</sup> Алжеева М.М., Чалбанова К.В. Модальные глаголы желания китайского языка (на примере глаголов 要 уао, 想 xiǎng, 愿意 уанум, 敢 gǎn, 敢于 gǎnyуь, 肯 kěn) // Модальные глаголы желания китайского языка (на примере глаголов 要 уао, 想 xiǎng, 愿意 уанум, 敢 gǎn, 敢于 gǎnyуь, 肯 kěn). Oriental Studies. 2019;(1):117-131. DOI: 10.22162/2619-0990-2019-41-1-108-122.

Ўзбек тилида истак гапларнинг шаклланишида *-са* шарт майли ҳамда айрим буйруқ-истак майли кўрсаткичлари алоҳида ўрин тутади. Бу воситалар гап кесими вазифасидаги феъл таркибида келиб, унга истак семасини қўшади. Масалан: *Шу ўйнайверсанг-ўйнайверсанг, сенга тегшили ишларни бировлар бажараверса-бажараверса...*(Х.Тўхтабоев); *Майли, арвоҳ бўлса ҳам, бағримга босай, тўйиб-тўйиб юзларидан ўнай* (Х.Тўхтабоев).

Нутқда *-са*, *-ганда* аффиксли феъллар *эди*, *экан* тўлиқсиз феъллари билан бирга қўлланганда; *-син* аффиксли феъл *демоқ* феъли билан бирикиб келганда истак янада кучли ифодаланади: *Дунёда бир одамга Сиринг айтиб бўлсайди*. (М.Юсуф); *Мен шу ойнага тош тегмасин дейман* (П.Қодиров)

Аёллар нутқида *-са* аффиксли феълларнинг *гўрга эди* (*гўргайди*), *гўрга экан* конструкциялари билан бирикиб келиб, нутқ эгасининг истак-хоҳишини ифодалашни кўп учрайди. Бундай гапларда истакнинг хавотир билан ифодаланиши акс этади: *Бизга гап тегмаса гўрга эди*. (С.Аҳмад)

Истак гаплар таркибида қўлланувчи *қани*, *қани эди* (*қанийди*), *қани энди*, *кошки эди* (*кошкийди*), *кошки энди*, *шояд*, *зора* каби модал муносабатни англатувчи бирликлар истак мазмунини янада кучайтиришга хизмат қилади. Масалан: *Қани чиндан униб ётса қабримда гуллар*. (Э.Воҳидов); *Қани энди хўжайини бой-бадавлат бўлса-ю, уйида ҳаммиша гўшитли қозони қайнаб турса*. (Н.Ҳошимов); *Қани эди бургут бўла олсак...* (Т.Малик).

Шуниси характерлики, *қани энди*, *қани эди* (*қанийди*), *кошки*, *кошки эди* (*кошкийди*) тўлиқсиз гап шаклида ёлғиз келганда истак гап вазифасини бажаради. Масалан: *Мана мени дерсиз. Эрта-индин эшикдан кириб келади. – Вой, оғзингиздан ўргулай, овсинжон! – Кошкийди-я!* (Ў.Ҳошимов)

Хуллас, ўзбек тилида истак гапларнинг шаклланишида истак ифодаловчи лексик ва грамматик воситалар муҳим ўрин тутади.

Иккинчи бобнинг сўнгги фаслида истак гапларда шакл ва мазмун муносабати масаласи ёритилган. Ҳар қандай гап шакл ва мазмун бирлигидан ташкил топган бутунлик ҳисобланади. Истак гаплар ҳам барча гап турлари каби бу икки томоннинг ўзаро бирлиги асосида юзага келади. Шунга қарамай баъзида истак гаплар синтактик структураси семантик структураси билан номутаносиб келиши ҳолатлари ҳам кузатилади.

Истак гапларда ҳам гап мазмуний узвларидан бирининг билвосита, яъни яширин ифодаланиши семантик-синтактик асимметрияни келтириб чиқаради.

Ўзбек тилида истак гапларни шакли ва мазмуни ўртасидаги муносабат асосида қуйидаги турларга ажратиш мумкин: 1. Шакли ва мазмуни мутаносиб бўлган истак гаплар. 2. Шакли ва мазмуни номутаносиб бўлган истак гаплар.

Истак гапларда шакл ва мазмун номутаносиблиги қуйидаги 3 белги асосида юз беради: 1. Тасдиқ шаклидаги истак гапда инкор мазмуни ва, аксинча, инкор характеридаги истак гап орқали тасдиқни билдирувчи ахборот ифодаланганда тасдиқ-инкор белгисига кўра шакл ва мазмун номутаносиблиги юз беради. 2. Сўроқ гап (ёки ҳис-ҳаяжон гап) шаклидаги истак гапда дарак ёки буйруқ мазмуни ифодаланганда сўроқ-дарак белгисига кўра шакл ва мазмун номутаносиблиги юз беради. 3. Содда шаклдаги истак гапда мураккаб мазмун ва, аксинча, қўшма гап шаклидаги истак гапда содда ахборот ифодаланганда содда-мураккаблик белгисига кўра шакл ва мазмун номутаносиблиги юз беради.

Диссертацияда кўрсатилган ҳолатларнинг ҳар бири алоҳида ёритилган. Қуйида истак гапларда тасдиқ-инкор маъноларининг ифодаланишига кўра шакл ва мазмун номутаносиблиги ҳақида маълумот бериб ўтамиз.

Истак гаплар тасдиқ характерида бўлиб, яширин тарзда инкорни ифодаласа ёки, аксинча, гап инкор характерида бўлиб, яширин тарзда тасдиқ ахборотни ҳам англашишида истак гапда шаклий-мазмуний номутаносиблик содир бўлади. Масалан, – *Қани эди ... одамларга бахт улашиши менинг қўлимда бўлса...* (П. Қодиров) гапи тасдиқ гап бўлиб, нутқ эгасининг истак-хоҳишини ифодалайди. Аммо бу гапдан «*Одамларга бахт улашиши менинг қўлимда эмас*» тарзидаги инкор ахборот ҳам англашилади. Тасдиқ шаклдаги истак гапдан пресуппозиция ҳисобига инкор ахборотнинг ҳам англашилиши натижасида гапда шакл ва мазмун номутаносиблиги юзага келган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Истак гапларнинг прагматик хусусиятлари**» деб номланган. Бобнинг биринчи фасли «Истак гапларда прагматик мақсаднинг ифодаланиши» деб аталади.

Ҳар қандай гап тури каби истак гапларда ҳам нутқ эгасининг бирор коммуникатив-прагматик мақсади юзага чиқади. Истак гаплар орқали, аввало, нутқ эгаси ўзи ёки суҳбатдоши, ўзга кишиларга хос истак-хоҳишни тингловчига етказиш мақсадини кўзлайди. Истак гапларда прагматик мақсаднинг ифода этилишида қуйидаги ҳолатлар кузатилади: 1) истак гапда нутқ эгасининг асосий прагматик мақсади юзага чиқади; 2) истак гапда нутқ эгасининг бир неча прагматик мақсади юзага чиқади.

Истак гапларда сўзловчи фақат истак-хоҳишни ифода этишни мақсад қилиши мумкин. Масалан: *Тинч ётиб бирон кун ором олсам, ҳамма нарсани унутиб ухласам дерди.* (С.Аҳмад)

Нутқ эгаси истак гапларни ҳосил қилар экан, бундай гаплар ёрдамида ўзи ёки бошқаларнинг истак-хоҳишини ифодалаш билан бирга истакнинг юзага чиқиш сабаби, шарти, мақсади кабиларни тингловчига билдириш, истакка муносабат билдириш, баҳо бериш кабиларни ҳам ифода этишни лозим ҳисоблайди. Натижада истак гапда нутқ эгасининг бирдан ортиқ прагматик мақсади намоён бўлади. Бу ҳолат қуйидаги истак гапларда кузатилади: 1) гапда истак билан бирга унга сабаб бўлган омил ҳам баён қилинади: *Билмайман, ўзидан бошқани нодон деб ўйлайдим.* *Шунинг учун у билан ош-қатиқ бўлгим келмайди.* (Т.Мурод); 2) гапда истак билан бирга нутқ эгасининг воқеликка муносабати, уни маъқуллаши ёки эътирози ифодаланади: – *Эл қатори Зиёдила кал дея беринг. Ўз отим ўзим билан...* *Худога шуқур-е, энди почтачи-да кал дейдиган бўлди!* (Т.Мурод); 3) гапда истак билан бирга нутқ эгасининг илтимоси, даъвати, ҳаракатни бажаришга ундаши ифодаланади: *Қани, ҳей Мамадали, гапирсанг-чи...* (А.Қахҳор); 4) гапда истак билан бирга сўзловчининг уни амалга оширишга розилиги ифодаланади: – *Хўп, майли, бораман, ...– лекин эртароқ чиқиб кетайлик!* (О. Ёқубов); ва бошқалар.

Англашиладики, истак гапларда нафақат истак-хоҳиш, балки нутқ эгасининг прагматик мақсади билан боғлиқ ҳолда ҳиссий кечинмалари, воқеликка бўлган муносабати, мулоҳазалари, ўй-хаёллари, орзу-умиди кабилар ҳам акс этади. Истак гапларда кузатилувчи бу каби полиинтенционаллик

қуйидаги таркибдан ташкил топади: а) бирламчи коммуникатив мақсад; б) иккиламчи коммуникатив мақсад.

Истак гапларда асосий ҳолларда нутқ эгаси ёки ўзганинг истак-хоҳиши ҳақида ахборот бериш билан бирга, бу истакнинг юзага келиш сабаби, уни амалга оширишнинг шарти, нутқ эгасининг истак-хоҳиши билан боғлиқ ҳиссий кечинмалари, воқеликка нисбатан муносабати кабилар ҳақида ҳам маълумот бериш кўзда тутилади.

Истак гапларда иккиламчи прагматик мақсад бевосита акс этмаслиги ҳам мумкин. Жумладан, нутқ эгаси истак-хоҳишининг юзага келишига туртки бўлган вазият ёки уни келтириб чиқарган сабабни истак гапда очиқ ифодаласлиги мумкин. Аммо нутқий вазият ёки контекст асосида уни аниқлаш имкони бўлади. Масалан: *Тўп киритишнинг гаитини бу бечора ҳам бир суриб кўрсин дедим-да.* (Х.Тўхтабоев)

Берилган гап орқали нутқ эгасининг истак-хоҳиши ҳақида маълумотга эга бўлинади, аммо бу истакка туртки берган вазият ёки уни келтириб чиқарган муайян сабаб шу гапда бевосита ифодаланмаган. Контекстга мурожаат қилиш орқали ушбу ҳолатга аниқлик киритиш мумкин бўлади. Қиёсланг: *Зум ўтмай тўпни яна илиб олдим, саккиз йил футбол ўйнаб, саккиз йил муттасил югуриб, дарвозага биронта ҳам тўп кирита олмаган Акмал Лазизхўжаевнинг оёқлари остига ташладим. Тўп киритишнинг гаитини бу бечора ҳам бир суриб кўрсин дедим-да.* (Х.Тўхтабоев)

Хуллас, ҳар бир истак гапда субъектнинг муайян мақсади ифодаланади. Нутқ эгасининг бирдан ортиқ коммуникатив-прагматик мақсадининг ифодаланишига кўра истак гаплар полиинтенционал гаплар саналади.

Учинчи бобнинг иккинчи фасли «Истак гапларда баҳо муносабатининг ифодаланиши» деб номланган. Баҳо категорияси сўзловчининг тил бирлиги орқали муайян бир объектга, яъни нарса-предмет, воқеа- ҳодисага нисбатан ижобий ёки салбий баҳосини акс эттирувчи категориядир. Истак гапларда сўзловчи, тингловчи ёки ўзга кишиларнинг истак-хоҳиши ифодалангани боис шунга мувофиқ тарзда бундай гапларда турли шахсларнинг субъектив муносабати, баҳоси юзага чиқди. Аммо ҳар қандай истак гапларда сўзловчининг баҳо муносабати ифодаланавермайди.

Истак гапларда баҳо муносабати субъектнинг воқеликка ёки гапда ифодаланган истакка нисбатан берган шахсий баҳоси сифатида намоён бўлади. Масалан, қуйидаги истак гапда нутқ жараёнида иштирок этмаган ўзга инсоннинг воқеликка бўлган субъектив муносабати ифодаланган: «*Кўнглига ўтирмайдиганлар билан саломлашгиси-да келмайди!*» (Т.Мурод)

Истак гапларда субъектив муносабат кўпинча махсус тил бирликлари орқали намоён бўлади. Масалан, *Бугунги маросимда Раъно янгам ҳам қатнашса яхши бўларди...* (Ў.Ҳошимов) гапида сўзловчининг ижобий муносабати *яхши бўлмоқ* феъл лексемаси орқали юзага чиққан.

Англашиладики, истак гапларда баҳо муносабатининг ифодаланишида махсус тил воситалари муҳим ўрин тутди. Нутқда бу вазифани кўпинча *яхши, ажойиб, аъло, дуруст, зўр, маъқул, яхши бўлмоқ, ёқимли; ёмон, номақбул, қўрқинчли, даҳшатли, ёқимсиз, беўхшов* лексемалари бажариб келади. Аммо баҳо

муносабати айрим олинган мазкур бирликлар орқали эмас, тўлиқ гапдан англашилади.

Нутқда бундай бирликлар қўлланмаган ҳолатларда ҳам субъектнинг воқеликка нисбатан салбий ёки ижобий баҳоси англашилиб туради. Истак гапларда баҳо муносабатининг бу тарзда ифодаланишида гап таркибида қўлланган коннотатив бирликлар, фразеологизмлар, кўчма маъноли сўзлар, модал сўзлар, ундовлар, оҳанг, тартиб каби воситалар муҳим ўрин тутаяди. Айниқса, истак гапларда баҳо муносабати коннотатив бирликлар орқали ёрқин акс этади. Масалан, *Зора, худо кўнглига солиб, Ҳошимжонгинам қуйилиб, кечалари қочиб кетиш одатини ташласа...* (Х.Тўхтабоев) гапида субъектив муносабат *-гинам + -м* грамматик шакли орқали юзага чиққан.

Истак гапларда қўлланган фразеологик бирликлар образли ифодаларни ҳосил қилиб, гапнинг таъсир кучини ошириш билан бирга, нутқ эгасининг муносабатини юзага чиқаришга ҳам хизмат қилади. Масалан: *Энди нима қилдим-а, ишқилиб, қулоқнинг тагида шавла қайнамаса бўлгани!* (Х.Тўхтабоев) (салбий баҳо)

Истак гапларда баҳо муносабати оҳанг орқали ҳам ҳосил қилинади. Масалан, *Қани, иккаламиз ишқомга кириб узум узсак-да, дядя Васяни меҳмон қилсак!* (Ў.Ҳошимов) гапи ҳис-ҳаяжон гап бўлиб, унда оҳанг ёрдамида нутқ эгасининг истак-хоҳиши ва ижобий ҳиссий муносабати ифодаланган.

Тилшуносликда баҳолашнинг турли компонентлари ажратилади. Истак гапларда *истак субъекти, истак объекти, баҳо асоси, баҳолаш белгиси* компонентларини ажратиш мумкин. Диссертацияда баҳолашнинг ушбу компонентларига бирма-бир тавсиф берилиб, моҳияти очиб берилган.

Бобнинг «Гапда истакнинг яширин ифодаланиши» деб номланган сўнгги фаслида ўзбек тилида истакнинг яширин ифодаланиши усуллари ёритилган.

Сўзловчи ёки ўзганинг истак-хоҳиши гапда махсус истакни ифодаловчи воситалар орқали бевосита ифодаланмай, бирор тил бирлиги орқали унга ишора қилинса, ушбу гапда *яширин истак* юзага чиқади. Масалан, *Ишқилиб, шаҳарга қайтганида кўнглида биргина истак ҳоким эди: энди бошқача яшамоқ керак.* (М.Муҳаммад Дўст) кўшма гапининг «*Энди бошқача яшамоқ керак*» компоненти ички структурасидан «*Энди бошқача яшашни истайман*» яширин ахбороти англашилади. Ушбу ахборот кўшма гапнинг олдинги компонентида қўлланган *биргина истак* бирикмасининг мазмунини очиб бериш, унга изоҳ беришга хизмат қилган.

Ўзбек тилида нутқ эгасининг истак-хоҳишини билвосита ифодаловчи тил бирликлари мавжуд. Бундай тил бирликлари луғавий маъносида истак семаси ҳам мавжуд бўлгани сабабли улар иштирокида тузилган гапларда яширин тарзда истак ҳам воқеланади. Масалан, «*Уни ҳамма таниш-билишлар мақтар, ўзларининг ҳам шундай итлари бўлишини орзу қилишар эди*» (Ш.Холмирзаев) гапида қўлланган *орзу қилмоқ* феъли «*хоҳиш, интилиш; истак*»<sup>40</sup> маъносидаги форсча *орзу* сўзидан ҳосил қилинган бўлиб, «бирор нарсага эришишни қаттиқ

<sup>40</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3-жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. 2007. – Б. 136.

исташ, уни тасаввурига келтириш» маъносига эга. Бу феъл орқали гапда «орзу қилиш» маъноси ва унинг фониди истак семаси юзага чиқади.

Ушбу феъл истакни ифодаловчи -са грамматик шаклли феъллар билан боғланганда истак маъноси кучайиб, биринчи планга чиқади. Масалан: *Полвон ўғил уйласам, қудаларим билан борди-келди қилсам деб орзу қиларди.* (С.Ахмад)

Ўзбек тилида *умид қилмоқ, ниятида бўлмоқ, пайида бўлмоқ* лексемалари, *умид боғламоқ, пайида юрмоқ* иборалари иштирокида тузилган гапларда ҳам сўзловчи истаги яширин тарзда юзага чиқади. Масалан, *Аброр магазинга кирган харидорларни очкўзлик билан шилиш пайида бўларди...* (А. Кўчимов) мисолида қўлланган *пайида бўлмоқ* феъли орқали гапда «*Аброр магазинга кирган харидорларни шилишни истарди*» ахбороти ҳам ифодаланган. Бу ахборот *пайида бўлмоқ* феъли семантикаси орқали юзага чиққан.

Ўзбек тилида сўзловчи истак-хоҳишининг гапда пресуппозиция орқали яширин ифодаланиши ҳам кузатилади. Пресуппозиция муайян тил бирлигининг ишораси асосида гапда яширин тарзда юзага чиқувчи ахборот ҳисобланади. Гапда пресуппозициянинг ифодаланиши тилнинг пресуппозицияга ишора қилувчи ташқи сигналлари: лексик, морфологик, синтактик birlikлар ҳисобига юз беради<sup>41</sup>.

Сўзловчи истак-хоҳишининг пресуппозиция орқали ифодаланишида сўроқ гап шаклидаги синтактик конструкциялар алоҳида ўрин тутади.. Масалан, *Балетчилар бир ойда етти-саккиз кун овқат емай, қоматларини асрайдилар. Биз ҳам шундай қилсак бўлмасмикан?* (С.Ахмад) мисолида *Биз ҳам шундай қилсак бўлмасмикан?* сўроқ гапи орқали истакни ифодаловчи «*Биз ҳам шундай қилсак бўларди*» ахбороти юзага чиққан.

Хуллас, ўзбек тилида истак айрим birlikларнинг ишораси орқали яширин тарзда ҳам ифодаланади. Истакнинг гапда яширин ҳолатда ифодаланишида контекст, нутқ вазияти каби ташқи омиллар муҳим роль ўйнайди.

## ХУЛОСА

1. Истак феномени турли фан соҳаларида ўрганилади ва бу соҳаларнинг ўрганиш объектдан келиб чиққан ҳолда унга турлича тавсиф берилади. Тилшуносликда истак категориясининг қайси тил воситалари билан ва қандай усулларда ифодаланиши, семантик-синтактик структураси, истакнинг ифодаланишида инсон омилнинг ўрни масаласини текшириш муҳим аҳамиятга эга.

2. Истак гаплар антропоцентрик моҳиятга эга, негаки уларда нафақат тилнинг тизимий белгилари, балки инсонга хос шахсий сифатлар, жумладан, кишиларнинг орзу-истаклари, руҳияти, воқеликка муносабати, қизиқишлари кабилар ҳам акс этади. Мазкур вазиятда истак гаплар семантикаси бу каби прагматик омиллар ҳисобига мураккаблашади.

3. Истак гапларни ҳосил қилишда инсон ўз истак-хоҳишларини тайёр гап қолипларига солиб ифода этиш билан чекланиб қолмайди. У бу жараёнда тил

<sup>41</sup> Бу ҳақда қаранг: Маҳмудов Н. Пресуппозиция ва гап // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1986. – №6. – Б. 42-45; Нурмонов А. Кўмакчили конструкциялар пресуппозицияси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1986. – №6. – Б. 42-45; Нурмонов А. Гапнинг пресуппозиция аспекти / А.Нурмонов ва бошқалар. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент: Фан, 1992. – Б.113-120.



билими ва кўникмасига асосланган ҳолда истак ифодаловчи мавжуд бирликлардан мосини танлаб олган ҳолда жумла тузади.

4. Истак гаплар инсонга хос истак-хоҳишни ифодаловчи гаплар бўлиб, махсус синтактик структура орқали воқеланиши уларнинг ўзига хос семантик-синтактик моҳиятли гаплар эканлигини англатади. Ўзбек тилида энг ихчам шаклдаги истак гаплар структур жихатдан [Ист.КШ] синтактик қолипи орқали ҳосил бўлади. Бунда [Ист.] рамзи истакни ифодаловчи бирлик, КШ рамзи кесим шаклини англатади.

5. Ўзбек тилшунослигида истак гаплар гапнинг ифода мақсадига кўра алоҳида тури сифатида ажратилган бўлса-да, бундай гапларнинг семантик-синтактик ва прагматик хусусиятлари махсус ўрганилмаган. Бу ҳолат истак гапларни структур-семантик ва прагматик аспектларда тадқиқ этиш долзарб муаммо эканлигини кўрсатади.

6. Истак гаплар семантик жихатдан *истак субъекти*, *истак объекти* ва *истак ифодаловчи* компонентларидан ташкил топади. Истак субъекти асосий ҳолларда кишиларга қўйилган атоқли отлар, лақаб, тахаллусни билдирувчи отлар, кишилиқ олмошлари, шахс отлари, шахсларга ишора қилувчи отлашган сўзлардан ташкил топади. Истак субъекти гапда махсус ифода воситасига эга бўлмаган ҳолларда кесимнинг шахс-сон кўрсаткичлари, эгалик қўшимчалари орқали ёки контекст, нутқ вазияти асосида унга аниқлик киритиш мумкин бўлади. Истак объекти эса гапда семантик жихатдан истак йўналтирилган объект бўлиб, нарса-предмет, шахс, макон, замон, ҳаракат кабиларни англатади.

7. Истак гапларда субъект истак-хоҳишининг ифодаланишида қуйидаги ҳолатлар кузатилади: 1) гапда субъектнинг фақат истак-хоҳиши ифодаланаяди; 2) гапда субъектнинг истак-хоҳиши билан бирга орзу-умидлари, нияти, тилаги, мақсади кабилар ҳам акс этади.

8. Ўзбек тилида истак гапларнинг семантик жихатдан қуйидаги ички турларини ажратиш мумкин: хабар ифодаловчи истак гаплар, буйруқ ифодаловчи истак гаплар, сўроқ ифодаловчи истак гаплар, ҳиссий муносабат ифодаловчи истак гаплар, шарт ифодаловчи истак гаплар, тилак ифодаловчи истак гаплар, таклиф ифодаловчи истак гаплар, илтимос ифодаловчи истак гаплар, мақсад ифодаловчи истак гаплар, орзу-умид ифодаловчи истак гаплар, розилик ифодаловчи истак гаплар.

9. Ўзбек тилида истакни ифодаловчи *истамоқ*, *хоҳламоқ*, *тусамоқ* лексемалари, феълнинг *-са*, *-син*, *-ганда эди*, *-ганда экан*, *-моқчи*; *-са+эди*, *-са+экан*, *-ганда эди*, *-ганда экан*, *-моқчи + эди*, *-моқчи + экан* грамматик шакллари; *-гим* (*-гинг*, *-гиси...*) *келмоқ*, *-са бўлгани*, *-са бошқа гап эди* // *-ганда бошқа гап эди* // *-ганда бир нави эди* тарзидаги феълли қурилмалар кесимни шакллантирувчи лексик ва морфологик воситалар ҳисобланади. Шунингдек, *қани*, *қани эди* (*қанийди*), *қани энди*, *кошки эди* (*кошкийди*), *кошки энди*, *зора* каби модал муносабатни англатувчи бирликлар ҳам истакни ифодалашга хизмат қилади.

10. Истак гапларда шакл ва мазмун номутаносиблиги қуйидаги ҳолатларда юз беради: а) тасдиқ шаклидаги истак гапда инкор мазмуни ва, аксинча, инкор характеридаги истак гап орқали тасдиқни билдирувчи ахборот ифодаланганда тасдиқ-инкор белгисига кўра шакл ва мазмун номутаносиблиги юз беради; б)

сўроқ гап (ёки ҳис-ҳаяжон гап) шаклидаги истак гапда дарак ёки буйруқ мазмуни ифодаланганда сўроқ-дарак белгисига кўра шакл ва мазмун номутаносиблиги юз беради; в) содда шаклдаги истак гапда мураккаб мазмун ва, аксинча, кўшма гап шаклидаги истак гапда содда ахборот ифодаланганда содда-мураккаблик белгисига кўра шакл ва мазмун номутаносиблиги юз беради.

11. Истак гапларда сўзловчининг интенциясининг ифодаланиши муҳим ўрин тутди. Сўзловчи истак гаплар орқали, аввало, ўзи ёки бошқаларнинг истак-хоҳишини тингловчига етказиш мақсадини кўзлайди. У гапда истак-хоҳишини ифодалаш билан бирга бу истакнинг юзага чиқиш сабаби, шарти, мақсади кабиларни тингловчига билдириш, истакка муносабат билдириш, баҳо бериш кабиларни ҳам ифода этишни лозим ҳисоблайди. Бундай вазиятда истак гапда нутқ эгасининг бирдан ортиқ прагматик мақсади ифодаланади.

12. Истак гапларда акс этган баҳо муносабати субъектнинг воқеликка ёки гапда ифодаланган истакка нисбатан берган шахсий баҳоси сифатида намоён бўлади. Бундай гапларда истак субъекти, истак объекти, баҳо асоси, баҳолаш белгиси компонентлари фарқланади. Истак субъекти тушунчаси гапда истак-хоҳиши ифодаланган субъектга нисбатан қўлланилади; баҳо объекти баҳоланувчи нарса-предмет ёки воқеа-ҳодисадир. Баҳоланувчи объектнинг энг муҳим томони, характерли хусусияти баҳо асоси вазифасини ўтайди. Баҳолаш белгиси тушунчаси баҳолашнинг салбий ёки ижобий белгисини англатади.

13. Истак гапларда баҳо муносабатининг ифодаланишида коннотатив бирликлар, фразеологизмлар, кўчма маъноли сўзлар, модал сўзлар, ундовлар, оҳанг, тартиб каби воситалар муҳим ўрин тутди.

14. Истак гапларда сўзловчининг истак-хоҳиши яширин ифодаланиши ҳам мумкин. Гапда сўзловчи ёки ўзганинг истак-хоҳиши махсус тил бирликлари орқали бевосита ифодаланмай, унга ишора қилинса, истак яширин тарзда юзага чиқади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.Fil.46.03  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ  
УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА, ЛИТЕРАТУРЫ И ФОЛЬКЛОРА**  

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ  
ВОСТОКОВЕДЕНИЯ**

**ГУЛИБАНУМУ КЕБАЙТУЛИ**

**СЕМАНТИКО-СИНТАКСИЧЕСКАЯ СТРУКТУРА И  
ПРАГМАТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ПОЖЕЛАТЕЛЬНЫХ  
ПРЕДЛОЖЕНИЙ В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ**

**10.00.01 – Узбекский язык**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD) ПО  
ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2022**

**Тема диссертации доктора наук (PhD) по филологическим наукам зарегистрирована за номером №B2021.4.PhD/Fil2039 Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан.**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном университете востоковедения.

Автореферат диссертации на трёх (узбекский, русский, английский (резюме)) языках размещён на веб-странице Научного совета ([www.tai.uz](http://www.tai.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)).

**Научный руководитель:** **Усманова Шоира Рустамовна**  
доктор филологических наук, профессор

**Ведущая организация:** **Лутфуллаева Дурдона Эсоновна**  
доктор филологических наук, профессор  
**Умрзокова Мархабо Эгамбердиевна**  
доктор филологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Национальный университет Узбекистана**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года в \_\_ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.Fil.46.03 при Институте узбекского языка, литературы и фольклора Академии наук Республики Узбекистан (Адрес: 100060, город Ташкент, проезд Шахрисабзский, 5. Тел.: (99871) 233-36-50; факс: (99871) 233-71-14; e-mail: [uzltafi@academy.uz](mailto:uzltafi@academy.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Фундаментальной библиотеке Академии наук Республики Узбекистан. Адрес: 100100, г. Ташкент, улица Зиёлилар, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года.

(Реестр протокола рассылки \_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года).

**Н.М.Махмудов**

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.ф.н., профессор

**Г.М.Исмоилов**

Учёный секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, к.ф.н., старший научный сотрудник

**Д.С.Худойберганава**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.ф.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мировой лингвистике в двадцатом веке широкое место отводили системно-структурному изучению языковых единиц. В результате, определена роль языковых единиц в системе языка, их взаимосвязь, широко раскрыты структурные, семантические особенности каждой языковой единицы. Начиная с последней четверти прошлого века, в мировой лингвистике усилилось внимание антропоцентрическому изучению языка. Благодаря изучению языковых единиц в тесной связи с человеческим фактором мы получили интересные факты о влиянии языка на человека и человека на язык. Антропоцентрическое изучение языковых явлений служит насыщению достижений системно-структурного языкознания. Особенно изучение языковых единиц в тесной связи с контекстом, речевой ситуацией сыграли важную роль в определении их речевых особенностей.

Мировая лингвистика также располагает работами, посвященными одновременно и системно-структурному, и антропоцентрическому изучению языковых единиц. Такой подход к изучению языка служит сравнительному изучению системности и асистемности языка, что проявляется в его речевой деятельности. Несомненно, исследование языковых единиц в данном аспекте дают ценные теоретические знания о речевых особенностях языковых единиц, связанных с человеческим фактором.

Работа, осуществлённая за последние в годы в стране по укреплению статуса государственного языка, расширения сферы его употребления, ряд принятых законов и постановлений в этой сфере послужат более основательному изучению узбекского языка. «Узбекистан должен быть конкурентоспособным на мировом уровне в науке, интеллектуальном потенциале»<sup>1</sup>, поэтому определён ряд задач в узбекском языкознании, и обозначены проблемы, требующиеся рассмотрения. Одним из таких проблем является монографическое изучение семантико-синтаксической структуры и прагматических особенностей пожелательных предложений в узбекском языке.

Данная диссертация в определённом смысле служит реализации задач, обозначенных в указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», №УП-4958 «О дальнейшем совершенствовании системы послевузовского образования» от 16 февраля 2017 года, №УП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» от 20 апреля 2019 года, постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан №304 «О дальнейшем совершенствовании системы послевузовского образования» от 22 мая 2017 года и других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное диссертационное исследование

<sup>1</sup> Послание Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева Олий Мажлису от 22 декабря 2017 года.

выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-нравственном развитии демократического государства и пути их реализации».

**Степень изученности проблемы.** Уже на первых этапах развития науки языкознания особое внимание уделяется изучению семантико-синтаксической структуры предложений, вопросу их классификации. Мировая лингвистика располагает рядом работ, посвящённых видам предложений по цели высказывания, в частности, строению пожелательных предложений, выражению в предложении значения желания, реализации в речи концепта желания, выражению категории желания, прагматическим особенностям предложений, выражающих желание или пожелание. В западной лингвистике, в частности русском, английском, немецком языкознаниях данный вопрос подвергался монографическому изучению<sup>2</sup>.

В тюркологии, в частности, узбекском языке также имеются работы, посвящённые исследованию типов предложений по цели высказывания. В частности, А.Ахмедовым, Х.Исматуллаевым в монографическом аспекте изучены утвердительные, вопросительные и повелительные предложения в узбекском языке<sup>3</sup>. В узбекском языкознании пожелательные предложения впервые изучены А.Фитратом, который выделяет их как «тилак гапи»<sup>4</sup>. Позже А.Нурмонов доказал, что пожелательные предложения наряду с утвердительными, вопросительными, повелительными предложениями являются типами предложений по коммуникативной цели, и описал семантико-синтаксическую структуру данного типа предложений<sup>5</sup>. Д.Лутфуллаевой освещены вопросы реализации утверждения и отрицания в пожелательных предложениях<sup>6</sup>. Вопрос выражения в предложении желания освещён в трудах

---

<sup>2</sup> Распопова Т.И. Оптативные предложения (на материале русского и английского языков): Дисс. ... канд. филол. наук. – Л., 1982. – 145 с.; Буралова Р.А. Оптативные и побудительные высказывания с независимым инфинитивом в современном русском языке: Дисс. ... канд. филол. наук. – Л., 1988. – 216 с.; Горя А.Н. Выражение ирреальности в английском предложении: Дисс. ... канд. филол. наук. – Киев, 1988. – 164 с.; Новикова О. Н. Семантико-синтаксическая структура конструкций с глаголами желания в современном английском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Минск, 1989. – 24 с.; Алтабаева Е.В. Категория оптативности в современном русском языке: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – М., 2003. – С. 20-21; Мастерских С.В. Концепт «желание» в сопоставительном плане (на материале глагольных лексем русского, английского и немецкого языков): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тюмень, 2004. – 20 с.; Гусаренко М.К. Дискурсивные разновидности, перлокутивная прагматика и пропозициональные характеристики речевого акта пожелания в современном русском языке: Дисс. ... канд. филол. наук. – Ставрополь, 2005; Макеева Е.Ю. Функционально-семантическое поле как средство репрезентации концепта «желание» в английском языке (в синхронии и диахронии): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Самара, 2006. – 23 с.; Щербакова М.И. Категория оптативности в русском языке (опыт сопоставительного анализа): Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2015. – 219 с.; Цзян Яо. Функционально-семантические типы оптативных предложений в русском и китайском языках: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Душанбе, 2020. – 27 с.; ва бошқалар.

<sup>3</sup> Исматуллаев Х. Виды предложений по цели высказывания в современном узбекском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1965. – 21 с.; Ахмедов А. Ўзбек тилида гапнинг коммуникатив турлари. – Тошкент: Фан, 1979.

<sup>4</sup> Фитрат А. Танланган асарлар. IV жилд. (Ўзбек тили коидалари тўғрисида бир тажриба. Иккинчи китоб: Нахв.) – Тошкент: Маънавият, 2006. – Б. 204.

<sup>5</sup> Нурмонов А. Ифода мақсади категорияси / Махмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б. 46-47.

<sup>6</sup> Лутфуллаева Д. Тасдиқ гапларда инкор ва шаклий-мазмуний номувофиқлик: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1997. – 21 б.

